



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI

100017, Toshkent sh., Istiqlol ko'chasi 29-uy, Tel.: (998 71) 239-15-69, 239-12-52
www.imv.uz, info@imv.uz

ҚАРОР 07/46-01-02/129

“ 12 ” ИЮН 2023 йил

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) “O‘zbekgidroenergoqurilish” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда – жамият) барча оддий акциялар эгасининг 2023 йил 15 майдаги 2-сонли қарори ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат № 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият устав фонди камайтирилиши муносабати билан жамиятнинг 2018 йил 15 мартда Q0821-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишларига ўзгартиришлар киритиш учун жамият томонидан Вазирликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- жамиятнинг 2023 йил 17 майдаги 03-13/554-сонли хати;
- аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишига киритилган ўзгартиришлар матни (3 нусха);
- жамият барча оддий акциялар эгасининг 2023 йил 15 майдаги 2-сонли қарорининг нусхаси;
- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. Жамият устав фонди камайтирилиши муносабати билан жамиятнинг 2018 йил 15 мартда Q0821-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар чиқарилишларига киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Жамиятнинг 2018 йил 15 мартда Q0821-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишларига асосан чиқарилган номинал қиймати 3 000 сўм бўлган 6 374 814 000 сўмлик 2 041 571 дона оддий ва 83 367 дона имтиёзли акциялардан 572 307 000 сўмлик 190 769 дона оддий акциялар бекор қилинсин ва жами ушбу акциялар чиқарилишида 5 802 507 000 сўмлик 1 850 802 дона оддий ва 83 367 дона имтиёзли акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Вазирликнинг Капитал ва суғурта бозорларини ривожлантириш департаменти Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлими:

- Вазирлик томонидан жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишларига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

- ушбу қарорнинг бир нусхасини жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал ва суғурта бозорларини ривожлантириш департаменти Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига юклатилсин.

Вазир ўринбосари



Г. Рахимова